

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.14/30.12.2019.I.84.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ**

АКРАМОВ АКМАЛ УЛМАСОВИЧ

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА**

08.00.02 – Макроиқтисодиёт

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Iqt250 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ifmr.uz) ва "ZiyoNet" ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Саидова Галина Каримовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар: Каримова Дилдора Мирсабитовна
иқтисодиёт фанлари доктори
Валиев Бобур Батирович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривож-
лантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-
тадқиқот маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.14/30.12.2019.1.84.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» Овгуст соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел: 71 244-01-17, E-mail: info@ifmr.uz, exat@ifmr.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 1000 11, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел: 71 244-01-17, E-mail: info@ifmr.uz, exat@ifmr.uz.)

Диссертация автореферати 2021 йил «26» июль куни тарқатилди.
(2021 йил «24» июль даги 6 рақамли реестр баённомаси).



Т.М.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ш.Х.Отабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

З.У.Бердихазаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Эркин иқтисодий зоналар жаҳон иқтисодиётининг ноёб ривожланиш шаклига айланди ва кўплаб мамлакатларда кенг тарқалган. Сўнги 5 йил мобайнида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ЭИЗлар ташкил этилишининг фаол ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бугунги кунда мавжуд 5400 та ЭИЗларнинг қарийб 1000 га яқин турли хил турдаги зоналари қайд этилган муддатда ташкил этилган бўлиб, яна 500 таси 2021 ва ундан кейинги йилларда ташкил этиш босқичидадир¹. Бутун жаҳон экспорт ишлаб чиқариш зоналари ассоциацияси маълумотларига кўра, жаҳон савдосининг 30% дан ортиғи эркин иқтисодий зоналар орқали амалга оширилади². Эркин иқтисодий зоналар (кейинги ўринларда ЭИЗ деб юритилади) экспорт компонентини ошириш, хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш вазибаларини муваффақиятли ҳал этмоқда.

ЭИЗ янги ғоялар яратиш ва ишлаб чиқариш жараёнларига инновацияларни жорий этиш, жаҳон илм-фан ва техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда замонавий ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб этиш марказлари сифатида ўзини намоён қилди, уларда мамлакат иқтисодиётининг инновацион даражасини ошириш, юқори технологияли маҳсулотлар билан ташқи бозорларга муваффақиятли кириш учун шароит яратилмоқда. ЭИЗ инновацион инфратузилма воситаси сифатида иқтисодиётнинг ўсиш нуктасининг омилларидан бири бўлиб, макроиқтисодий мақсадларни амалга ошириш учун восита бўлиб хизмат қилади. Глобал миқёсда кўплаб хорижий олимлар томонидан ЯИМ, инвестициялар, ташқи савдо айланмасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари жадал ўсишини таъминлаш ва ЭИЗ муҳим роль ўйнайдиган бошқа масалалар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 20 дан ортиқ турли хил ЭИЗ фаолият юритмоқда, уларнинг фаолияти учун зарур ишлаб чиқариш ва коммуникация инфратузилмаси давлат томонидан яратилган. Шу билан бирга, ЭИЗларнинг янада жадал ривожланишига тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммолар мавжуд. Инновацион ва инвестиция жараёнларини тартибга солиш механизмлари самарадорлигининг юқори эмаслиги, тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг етарли даражада жалб қилинмаётганлиги шулар жумласидандир.

Мазкур диссертация тадқиқоти натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

¹ https://unctad.org/en/Publication_Chapters/WIR2019_CH4.pdf 2019y.

² Артемьева О.Н “Совершенствование экономического механизма функционирования свободных экономических зон” автореферат диссертации. г.Москва, Российская Федерация.

Харакатлар стратегиясининг “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сон, 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3175-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3356-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 29-сон, 2020 йил 8 январдаги “Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 8-сон қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЭИЗ ташкил этишнинг услубий асослари ва механизмлари, шунингдек, ривожлантиришнинг умумий муаммолари Томас Фароль, А. Мориссон, П. Кизкович, С. Женсен, Ж. Ванг, Сяминг Чен, С.К Леонг, Гокан Акинчи, А. Ибинштейн, Х. Сирера³ ва бошқа хорижий олимлар тадқиқотларида ўз аксини топган.

МДҲ мамлакатлари олимлари Т.П. Данько, П.В.Павлов, Е.Ф. Авдокушин, Р.И. Зименков, С. Приходько, Н. Трошин, Н.А. Орлов,

³Farole, T. 2011. Special Economic Zones in Africa: Comparing Performance and Learning from Global Experiences; The World Bank: Washington D.C.; A.Morisson, P.Gilbert. Economic zones in the Asean (Report). – Viet Nam: UNIDO, 2015. – P.26.; Piotr Cizkowicz, Magda Cizkowicz-Pekala, Piotr Pekala, Andrzej Rzońca. 2015. The effects of special economic zones on employment and investment: spatial panel modelling perspective. NBP Working Paper No. 208. Economic Institute Warsaw.; Jensen, C. and M.Winiarczyk, 2014. Special Economic Zones – Twenty Years Later, CASE Network Studies and Analyses No 467/2014, Centrum Analiz Społeczno-Ekonomicznych, Warszawa.; Wang, J. 2013. “The Economic Impact of Special Economic Zones: Evidence from Chinese Municipalities.” Journal of Development Economics 101: 133–47.; Zeng, D.Z. 2015. Global Experiences with Special Economic Zones: Focus on China and Africa.; Leong, C.K. 2013. Special economic zones and growth in China and India: an empirical investigation. International Economics and Economic Policy, 10(4), 549-567. ; G.Akinci, J.Crittle. Special economic zones performance, lessons learned, and implications for zone development (FIAS Report). – WashingtonDC: World Bank Group, 2018. - p.3.; Ebenstein, A. 2012. Winners and Losers of Multinational Firm Entry into Developing Countries: Evidence from the Special Economic Zones of the Peoples Republic of China. Asian Development Review, 29(1), 29-56.; Cirera, X and Lakshman, R. 2014. “The impact of export processing zones on employment, wages and labour conditions in developing countries”, 3ie Systematic Review 10. London: International Initiative for Impact Evaluation (3ie).

С. Захаров, Н. Миронов, Л.Г. Лескова, Д.Р. Арутюнов, Е.И. Миронов⁴ ва бошқаларнинг илмий ишланмаларида ЭИЗларни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ўзига хос шартлари, уларнинг фаолият кўрсатиш механизмлари, метёрий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалалари, уларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни кенг ёритилган.

ЭИЗ назарий жиҳатлари, асосий йўналишлари ва уларнинг ривожланиши бўйича жаҳон тажрибаси мамлакатимизнинг бир қанча иқтисодчи-олимлари А.Р. Халикулов, Х.М. Хамроев, А.Б. Низамов, С. Мирзалиев, А.Р. Бозоров, Н.Г. Муминов, А.В. Вахабов, Ш.Х. Хожибакиев, А.Т. Шермухамедов, У.А. Шермухамедов, К.Х. Абдурахманов, З. Г. Кудратов Б. Б.Тошбоев, Ш.Т. Йулдошев, Б.Б.Валиев⁵ ва бошқаларнинг илмий асарларида ёритилган.

Шунга қарамай, Ўзбекистонда ЭИЗларни шакллантиришнинг макроиқтисодий муаммолари ҳали етарли даражада ёритилмаган. Бу биринчи навбатда уларнинг ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлмаганлиги, ўрта муддатли ривожланиш стратегияларнинг қабул қилинмаганлиги, ЭИЗларнинг инновацион институт сифатидаги ўрни, уларни шакллантириш ва фаолият юритишнинг макроиқтисодий механизмларини такомиллаштириш муаммолари янги илмий ёндашишни талаб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда А-2-142 “Инвестицион жараёнларнинг прогнозлаштириш ва инвестицион муҳитни янада яхшилаш механизмлари” ҳамда А-2-140 “Инновацион омилларни кучайтириш асосида саноатда самарали таркибий ва технологик ўзгаришларни прогноз қилиш ва таъминлаш механизмлари” мавзуларидаги амалий тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

⁴Данько Т.П., Окрут З.М. Свободные экономические зоны. М.: Инфра - М, 2008- 9 с.; Павлов П.В. Институт особых экономических зон в РФ финансово - правовые и организационно -экономические аспекты функционирования/- М.: ИНФРА-М, 2010.-256 с., Авдокушин Е.Ф. Свободные (специальные) зоны. Учебное пособие, 1993; Зименков Р.И Свободные экономические зоны // США экономика, политика, идеология, 1995; Приходько С. Варианты развития взаимосвязей свободной экономической зоны и национальной экономики,1991; Н. Трошин Варианты развития взаимосвязей свободной экономической зоны и национальной экономики,1991; Орлова Н.А Особые экономические зоны в России, 2006; Захаров С. Свободные экономические зоны и совместные предприятия, 1992; Миронова, Н. Новые импульсы в развитии свободной экономической зоны, 1997; Лескова Л. Г Формирование особых экономических зон как фактор динамического развития регионов, 2000; Д.Р. Арутюнов. Административно- правовое регулирование предпринимательской деятельности в особых экономических зонах Российской Федерации, 2014; Миронов Е.И. Сетевая модель организации особых экономических зон, 2010.

⁵Холикулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослар ва жаҳон тажрибаси. Т., 2002 186 б. Хамроев Ҳ.Р. Зонал сўёсат: Монография. –Тошкент:”Фан”-2008 йил.;Низомов А.Б. Экономический рост и правление региональной экономикой в условиях рынка. Т:- Турон-Иқбол-2006; Мирзаалиев С. ЭИЗ асосий йўналишлари ва тамойиллар. Т.2000 й.; Муминов Н.Г. Свободные экономические зоны. Учебное пособие, Национальный Университет Узбекистана. Ташкент-2005,- 8 с.; Вахабов А.В. Хожибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Инностранные инвестиции. Учебное пособие. – Т.:Молля, 2010. -С.180.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ЭИЗнинг ривожлантириш ва фаолият кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий иқтисодий инновацион ривожлантириш омили сифатида ЭИЗ ташкил этишнинг моҳияти, мазмуни ва мақсадларини аниқлаш ва асослаш;

ЭИЗ ривожланишининг асосий босқичларини жаҳон тажрибаси асосида аниқлаш ва таснифлаш ҳамда Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имконияти бўйича таклифлар тайёрлаш;

инновацион маҳсулотларни экспорт қилиш ва ўсиш нуқталарини яратишда ЭИЗнинг ролини асослаш;

ЭИЗ фаолиятининг ривожланиш даражаси ва самарадорлигини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш;

ЭИЗни босқичма-босқич инновацион ривожлантириш механизмини яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ўрта муддатли истикболда ЭИЗнинг ривожланиш тенденциялари ва сценарийларини ишлаб чиқиш;

мамлакатимизда ЭИЗ ривожланишининг стратегик йўналишларини амалга ошириш учун зарур чора-тадбирлар ва механизмларни асослаш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасининг эркин иқтисодий зоналари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда ЭИЗ ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида тизимли ёндашув, қиёсий, эксперт, SWOT таҳлил, сўровнома, умумлаштириш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, синтез қилиш ва прогнозлаштириш усуллари қўлланилган. Амалий тадқиқотлар ва эмпирик баҳолашлар иқтисодий-математик усуллар ва кўп ўзгарувчан эконометрик таҳлилларга асосланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

солиқ ва божхона имтиёзларини барча эркин иқтисодий зоналар учун унификациялаш, мавжуд табиий ва иқтисодий салоҳият асосида ихтисослашувни ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш, инвестиция лойиҳаларини танлаб олишда ҳудудларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси ва логистика тизимини мавжудлиги ва қулайлигидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш асосланган;

инновацион экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўсиши, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўлами, доимий иш ўринларини ташкил қилинганлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни ягона тизимга боғлаш асосида эркин иқтисодий зоналарни самарадорлигини баҳолаш услуби такомиллаштирилган;

эркин иқтисодий зоналарни иқтисодий ўсишга қўшаётган ҳиссаларини ошириш мақсадида қулай бозор, инвестиция ва макроиқтисодий иқлимни

шакллантиришни кўзда тутувчи зоналарни ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш амалиёти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЭИЗларнинг ривожланиш даражаси ва фаолият кўрсатишининг самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг услубиёти ишлаб чиқилган;

ЭИЗларни ташкил этиш ва фаолият юритиш жараёнларини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

ЭИЗ инвестиция лойиҳаларини танлаш тартибини соддалаштириш, рақобат муҳитини яхшилаш бўйича таклифлар берилган;

ЭИЗ иштирокчиларига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида солиқ ва божхона имтиёзларини унификациялаш бўйича таклиф тайёрланган;

худудларнинг табиий ва иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ўрта ва узоқ муддатли истиқболларда ЭИЗ ихтисослашуви асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарияларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлилларнинг математик-статистика ва эконометрика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган услубий асослар ЭИЗларни жойлаштириш, шакллантириш ва ривожлантиришда, бошқарув тизимини такомиллаштиришда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг ишининг амалий аҳамияти, олинган натижаларни Ўзбекистон Республикасининг ЭИЗларни ўрта ва узоқ муддатларда ривожлантириш стратегияларини, Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурини, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ҳамда Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача бўлган ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мамакатда эркин иқтисодий зоналарни шакллантириш, уларнинг фаолият кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича услубий ва амалий тавсиялар асосида:

ишлаб чиқилган ўрта муддатли даврда Ўзбекистон Республикасида ЭИЗ ривожланишининг концептуал йўналишлари ва инновацион механизмлари Иқтисодий тараққиёт вазирлиги томонидан 2030 йилгача бўлган даврда ЭИЗ ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 18 июлдаги 05/17-03-14/1-сон ва Иқтисодий ва саноат вазирлигининг 2019 йил 13 ноябрдаги 3-2/20-20-1863-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг

амалиётга татбиқ этилиши 2019 йилда ЭИЗ инвестицияларининг умумий қиймати 491,8 миллион АҚШ доллари бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга хизмат қилган;

ЭИЗ ривожланиш даражаси ва фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубиётидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 январдаги “Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 8-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 18 июлдаги 05/17-03-14/1-сон маълумотномаси). Натижада ЭИЗ фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби ва мезонлари, шунингдек, мамлакат ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириш даражаси кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш тартиби жорий этилган;

ЭИЗ фаолиятини бошқариш ва ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, ҳар бир ЭИЗнинг тармоқ ихтисослашувини ишлаб чиқиш, шунингдек, ушбу зоналар ҳудудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаш тартиби тўғрисидаги низомни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3356-сон Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 январдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 29-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 23 январдаги АД-4-8/10-501-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар амалиётда ЭИЗга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвестиция лойиҳаларини танлаб олишнинг янги тизимини жорий этиш имконини берган;

барча эркин иқтисодий зоналар учун солиқ ва божхона имтиёзларини умумлаштириш, интерактив онлайн хизматларни жорий этиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш мақсадида янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 29 декабрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 418-сон қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 10 майдаги ИШ-4-1/10-10-340-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2017 йил 16 майдаги 08-16/347-сон маълумотномалари). Мазкур таклифларни жорий этилиши солиқ, божхона ва бошқа имтиёزلардан

самарали фойдаланиш ҳисобига хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда янги инновацион ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун қулай шароит яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан 9 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 9 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объект ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқотдан олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, илмий тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, мавзу доирасида чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Миллий иқтисодиётда эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистоннинг инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг моҳияти, мазмуни ва мақсадларини очиб берувчи миллий иқтисодиётда эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг назарий асослари ўрганилиб умумлаштирилди, шунингдек ЭИЗ таснифининг умумлаштирилган схемаси таклиф этилди, жаҳон ЭИЗларини шакллантириш ва ривожлантириш босқичлари алгоритми ишлаб чиқилди, ЭИЗнинг жаҳон амалиётида яратилиши ва фаолиятининг хусусиятлари ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш каналларини кенгайтириш шароитида инновацион маҳсулотларнинг ўсиш ва экспорт нуқталарини яратишда эркин иқтисодий зоналарнинг роли ўрганилди.

Диссертацияда “эркин иқтисодий зоналар” тушунчасини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилган. Таҳлиллар шуни кўрсатиб турибдики, “эркин иқтисодий зоналар” тушунчасига нисбатан ягона қабул қилинган таъриф мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам, ЭИЗ бўйича қабул қилинган таърифларни тизимлаштириш ва ушбу тушунчага нисбатан олимларнинг фикрларини умумлаштириш мақсадга мувофиқдир (1-жадвал).

Шуни таъкидлаш жоизки, ЭИЗнинг деярли барча мавжуд таърифларида уларнинг ҳудудий ва божхона чегараларини тавсифловчи хусусият мавжуд. Ушбу хусусиятни муҳим деб ҳисоблайдиган муаллифларнинг фикрига

қўшиламиз. Бирок, бу тушунчалар иқтисодий тизимнинг замонавий тузилишини ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида сезиларли даражада ўзгарган ёндашувларни ҳисобга олмайди.

1-жадвал

Эркин иқтисодий зоналар тушунчасига нисбатан турли хил таъриф ва мулоҳозалар⁶

Муаллифлар	Таърифлар
Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенция	Мамлакат ҳудудининг бир қисми бўлиб, бунда товарлар миллий боғхона ҳудудидан ташқаридаги объектлар сифатида қўриб чиқилади ва шунинг учун ҳам оддий боғхона назорати ва солиққа тортилмайди.
Данько Т.П., Округ 3.М. ⁷	Мамлакатнинг хўжалик комплексининг ажралмас қисми бўлган Давлатнинг (давлатларнинг) суверен ҳудуди бўлиб, бу ерда ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш маълум бир умумдавлат, корпоратив мақсадга эришиш учун ижтимоий-иқтисодий тартибга солишининг махсус механизмларидан фойдаланган ҳолда таъминланиб ҳамда диффузион кенгайиш ва чегараларини тарқалиши имкониятига эга бўлган тақсимот ишлаб чиқариш муносабатларидир.
Игнатов В., Бутов В.И. ⁸	Миллий ва хорижий тадбиркорлар учун махсус имтиёзли иқтисодий шарт-шароитлар эга чекланган ҳудудлар, денгиз ва авиация портлари, ташқи савдо, умумий иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ва илмий-техник масалаларни ҳал қилишга қўмақлашади ва ўз хиссасини қўшади.
Муминов Н.Г. ⁹	ЭИЗ деганда мамлакат (давлатлар) хўжалик комплексининг ажралмас қисми бўлган давлатнинг (давлатларнинг) суверен ҳудуди тушунилиб, унда ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш таъминланиб, ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларини тартибга солишининг махсус механизмларидан фойдаланган ҳолда, унинг чегараларини диффузион кенгайиши ва тарқалишига қодир бўлган маълум бир бутун мамлакат бўйлаб яхлит, корпоратив мақсадга эришиш таъминланади.
Павлов П.В. ¹⁰	Махсус ҳудудий субъектларни ташкил этиши, фаолият кўрсатиши ва фаолиятини тутатиш соҳасидаги жамоат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни бирлаштирадиган мустақил муассасадир.
Вахабов А.В. ¹¹	Эркин иқтисодий зона - бу давлатда қабул қилинган хўжалик фаолиятининг тартибига нисбатан имтиёзли солиқ режими қўлланиладиган географик ҳудуд. Бошқача қилиб айтганда, бу миллий иқтисодий маконнинг бир қисми бўлиб, у ерда унинг бошқа қисмларида ишламайдиган маълум имтиёзлар тизими қўлланилади ва бу ҳудудда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви камаяди.

Айни пайтда глобаллашув, иқтисодий ривожланиш суръатларининг ўсиши, инновация, илм-фан ва юқори технологик йўналишлар, ахборот

⁶Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

⁷Данько Т.П., Округ 3.М. Свободные экономические зоны. М.: Инфра - М, 1998 - 9 с.

⁸Игнатов В., Бутов В.И.Свободные экономические зоны.- М.: «Ось-89»,1997.-192 с.

⁹Муминов Н.Г. Свободные экономические зоны. Учебное пособие, Национальный Университет Узбекистана. Ташкент-2005,- 8 с.


¹⁰Павлов П.В.Институт особых экономических зон в РФ финансово - правовые и организационно - экономические аспекты функционирования./- М.: ИНФРА-М, 2010.-256 с.

¹¹Вахабов А.В. Хожикаев Ш.Х., Муминов Н.Г. Иностранные инвестиции. Учебное пособие. – Т.:Молия, 2010. -С.180

технологиялари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматлари каби омиллар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, замонавий босқичда ЭИЗ – бу маъмурий чегаралари аниқ белгиланган ва махсус ҳуқуқий режимга эга бўлган мамлакатнинг махсус ажратилган ҳудуди ҳисобланиб, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, инновацион технологияларни жалб қилиш, ҳудудлар ва тармоқларнинг жадал ривожланишига туртки бўладиган бошқарувнинг илғор тажрибасини жорий этишда, резидентларнинг хўжалик юритишлари учун махсус шароитлар, яъни ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматлари билан таъминланадиган ҳудуд тушунилади.

Миллий инновацион тизимнинг самарадорлиги бевосита инновацион инфратузилмалар (технопарклар, инновацион марказлар, илмий шаҳарлар, эркин иқтисодий зоналар ва бошқалар) сифатига ва уларнинг миллий инновацион тизимдаги интеграция даражасига боғлиқдир. Шунини таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг инновацион ривожланиш даражаси тўғридан-тўғри ҳам тармоқлар, ҳам минтақалар ва алоҳида ҳудудларнинг инновацион фаолияти даражасига боғлиқ. ЭИЗларни таснифлаш бўйича мавжуд ёндашувларни кўриб чиқиб, инновацион ва инвестицион ЭИЗнинг умумлаштирилган таснифлаш схемаси ишлаб чиқилиб, тизимлаштирилди (1-расм).



1-расм. Инновацион-инвестицион ЭИЗ таснифи¹²

¹² Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

ЭИЗнинг ишлаб чиқилган таснифи замонавий бозор шароитларига жуда мос келади ва ундан иқтисодий тармоқлари ҳамда худудлар даражасида бошқарув қарорларини тўғри қабул қилишда, маълумотлар базасини яратишда, шунингдек статистик маълумотларни тузишда ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларида фойдаланиш учун қўлланилиши мумкин.

ЭИЗлар ривожланишининг барча босқичларида, уларни тартибга солиш назарияси ҳамда амалиётини яратишда асос сифатида, ЭИЗларнинг ривожланиш босқичларини ўрганиш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Муаллиф томондан ЭИЗлар ривожланишининг тўрта босқичи белгилаб олинди (2-жадвал): ЭИЗ прототиби, яъни дастлабки махсус худудларнинг пайдо бўлиши (ривожланишнинг 1-босқичи); ҳар хил турдаги ЭИЗларнинг пайдо бўлиши (савдо, ишлаб чиқариш, комплекс, илмий-техникавий (ривожланишнинг 2-босқичи)); ЭИЗларни ривожлантириш (ривожланишнинг 3-босқичи) ва ЭИЗларнинг инновацион ривожланиши (ривожланишнинг 4-босқичи).

2-жадвал

Жаҳон ЭИЗ шаклланиш ва ривожланиш босқичлари¹³

Пайдо бўлиш даври	Босқич	Ташкил этиш омиллари	Ихтисослашуви	Типологияси
XVI асргача	ЭИЗ прототиби, дастлабки махсус худудларнинг пайдо бўлиши	Минтақалараро савдонинг ривожланиши	Савдо	Эркин портлар, эркин шаҳарлар
XX аср ўрталаригача	Турли хил турдаги ЭИЗларнинг шаклланиши	Саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши	Савдо ва ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқаришга асосланган ЭИЗ, Эркин савдо зоналари
XX асрнинг 90-йилларигача	ЭИЗ ривожланиши	Илмий-техник тараққиёт	Савдо, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, ишланмалар	Экспорт-ишлаб чиқариш зоналари
XXI аср боши	ЭИЗ улғайиш даври ва инновацион ривожланиши	Минтақалараро киталараро интеграция	Савдо, Ишлаб чиқариш, ишланма, Сервис, Инновация	Комплекс ЭИЗ техник-жорий қилиш ЭИЗ, Халқаро ЭИЗ

ЭИЗлар ривожланишининг даврийлашуви жаҳон хўжалигида ЭИЗларнинг ривожланиш босқичлари ва қонуниятлари ҳақида умумий тушунча беради, шунингдек бу усулubiёт миллий иқтисодий тузилмасида

¹³ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

ЭИЗларни ташкил этиш ва тартибга солиш механизмларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

ЭИЗлар институтининг тўғри амалга оширилиши, саноатлаштиришни ривожлантириш учун самарали восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ривожланаётган мамлакатларда ҳукуматлар иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга қаратилган турли хилдаги ЭИЗларни жорий қилмоқдалар. Бундай сиёсатнинг мақсади иш ўринларини яратиш, уй хўжаликлари даромадларини кўпайтириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва мамлакатлар ичидаги қоқоқ ҳудудларда иқтисодий фаолликни ошириш, экспортни диверсификация қилиш ҳамда иқтисодий ўзгаришларни таъминлашдан иборат.

ЭИЗлар муҳим иқтисодий институт ҳисобланиб, асосан инновацияларни жадаллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, технологиялар трансфери, ахборот алмашиш ва интеграциялашган иқтисодий жараёнларни чуқурлаштириш ҳисобига иқтисодий ўсишни тезлаштириш омили сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи бозорда юзага келаётган кескин рақобатчилик шароитини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий ривожланишнинг янги стратегияларини излашга тобора кўпроқ эътибор қаратмоқда. Ана шундай стратегиялардан бири, миллий иқтисодиётни ривожлантириш воситаларидан бири сифатида мамлакатимизда ЭИЗ институтини такомиллаштиришдан иборатдир.

ЭИЗлар илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари ҳамда инновацияларни ривожлантиришда салмоқли ҳиссага эгадирлар. Иқтисодий жиҳатдан ЭИЗлар миллий ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, аҳолини иш билан таъминлаш, экспорт ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга катта ҳисса қўшиб келмоқда¹⁴. Айрим ҳудудларда ЭИЗлар ЯИМ ўсишининг 50 % дан 80-90 % гача бўлган қисмини ташкил этади.

ЭИЗларнинг муваффақиятли ишлаши, иқтисодий ўсиши ва уларнинг ривожланишига таъсир этувчи кўплаб омилларни ҳисобга олиш керак. Юқорида айтилганларни умумлаштириб хулоса қилиш мумкинки, ЭИЗлар азалдан экспортни кўпайтириш, тармоқлар ва ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини яхшилаш усули сифатида ўзини намоён қилиб келмоқда. ЭИЗлар катта эҳтимоллик билан мамлакат экспорт салоҳиятини фақат иқтисодиёти нисбатан очиқ бўлган мамлакатлар 25 фоизгача ошириши, шунингдек инновациялар ва технологиялар трансферини ривожлантиришга сезиларли ижобий таъсир кўрсатишига олиб келиши мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Эркин иқтисодий зоналарни шакллантириш истиқболларини белгилаш ва механизмларини яратишнинг методологик жиҳатлари”** деб номланади, унда ЭИЗлар муваффақиятининг асосий омиллари ўрганилиб, энг кичик квадратлар усули ёрдамида эконометрик тенгламалар тузилган ҳамда Ўзбекистонда тўғридан-

¹⁴Douglas Zhihua Zeng. 2015. Global Experiences with Special Economic Zones - With a Focus on China and Africa. The World Bank. Trade and Competitiveness Global Practice.

тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш омилларининг таъсири таҳлил қилинган. ЭИЗлар фаолияти натижаларини тавсифловчи кўрсаткичлар ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини ўз ичига олган ҳамда ЭИЗларнинг ривожланиш даражаси ва самарадорлигини баҳолаш услубиёти тақлиф этилган.

ЭИЗларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш механизмларининг ўзига хос хусусиятлари муаллиф томонидан мавжуд жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда таҳлил қилиниб, қиёсий матрица ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЭИЗлар фаолиятига илғор тажрибани жорий этиш зарурлиги асослаб берилган.

Ривожланаётган мамлакатлар учун ЭИЗлар макроиктисодий даражада сезиларли натижаларга эришишнинг, шунингдек иктисодий ўсишнинг умумий стратегияси доирасида саноат рақобатбардошлигини ошириш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича амалий восита бўлиши мумкин.

Турли иктисодчи-тадқиқотчилар ЭИЗларнинг ривожланишига таъсир қилувчи турли хил омилларни аниқлаганлар. Вайта, Амирахмади ва Ву¹⁵ларнинг фикрича, ЭИЗлар муваффақиятининг энг муҳим омили, бу уларнинг жойлашувидир. Шаҳар ҳудудига яқин бўлган ЭИЗлар фирмаларга, малакали ишчиларга ва капиталга эга бўлиш имкониятини енгилаштиради ва маҳаллий фирмалар билан алоқа ўрнатиши нисбатан осонроқ бўлиши мумкин. Акинчи ва Криттел¹⁶ ўзларининг тадқиқотларида ЭИЗларнинг ташқи инвестицияларни жалб қилиш қобилияти тўртта эндоген детерминантларга боғлиқлигини акс эттиради: рағбатлантирувчи база, меъёрий-ҳуқуқий база, институционал асос, жисмоний ривожланиш ва бошқарув.

П. Пақдинурит ва бошқалар ўз тадқиқотларида Хиндистон ва Хитой мисолида мамлакатлар ўзларининг махсус иктисодий зоналарини қандай бошқаришларини кўриб чиқадилар. Улар мустақил ўзгарувчан сифатида ЯИМ, рўйхатга олинган компанияларнинг капиталлашуви, савдо, ишчи кучи, тадқиқотлар ва ишланмалардаги тадқиқотчилар, тариф ставкаси, товар белгилари ва партфел капиталига сўровларни белгилаб олганлар.

Юқорида келтирилган адабиётлар шарҳи ва тузилган эконометрик тенгламалар асосида Ўзбекистонда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг жалб қилинишига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинган. Бунинг учун П.Пақдинуритнинг тадқиқоти асосида 8 та кўрсаткичлар танлаб олинган: ЯИМ, товар ва хизматлар экспорти, авиаташувлар ҳажми, савдо, банд бўлганлар сони, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари (кейинги ўринда – ИТКИ) ҳаражатлари, углерод чикиндилари ва товар белгиларига сўровлар сони.

Кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини текшириш жараёнида ЯИМ кўрсаткичи бошқа кўрсаткичлар билан юқори корреляцион кийматга эга

¹⁵ Economic zones in the Asean. Industrial Parks, Special Economic Zones, eco Industrial Parks, Innovation districts as strategies for industrial competitiveness // UNIDO country office in Viet Nam, august 2015. – стр. 32.

¹⁶ Economic zones in the Asean. Industrial Parks, Special Economic Zones, eco Industrial Parks, Innovation districts as strategies for industrial competitiveness // UNIDO country office in Viet Nam, august 2015. – стр. 32.

эканлиги аниқланди. Шу мунособат билан у чиқариб ташланди. Шунингдек, кейинчалик эконометрик тенгламаларни тузишда ҳам кўрсаткичларнинг паст даражадаги аҳамиятга эга эканлиги аниқланди: банд бўлганлар сони ва савдо белгиларига буюртмалар сони. Ушбу кўрсаткичлар ҳам тадқиқотдан чиқарилиб ташланди.

Шундай қилиб, жаҳон банки маълумотлар базаси асосида 1992-2018 йиллар оралиғида 6 та кўрсаткичдан мустақил ўзгарувчан сифатида фойдаланилган (3-жадвал).

Барча қийматларни таққосланадиган шаклга келтириш учун логарифм усули ишлатилган.

3-жадвал

Кўрсаткичлар ва маълумотлар манбалари¹⁷

Тавсиф	Қисқартирилган	Манбаси
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (жорий нархларда АҚШ долл.)	FDI	Жаҳон банки
Товар ва хизматлар экспорти (ЯИМдан %)	EXPORT	Жаҳон банки
Савдо (ЯИМдан %)	TRADE	Жаҳон банки
СО ₂ чиқиндилари(кг ХКПга долларда ЯИМ)	СО ₂	Жаҳон банки
ИТТКИ харажатлар (ЯИМдан %)	RD	Жаҳон банки
Авиаташувлар (млн т-км)	AIRTRAN	Жаҳон банки

Барча кўрсаткичлар стационарлик учун текширилди. Натижада, синов шунини кўрсатдики, савдо, СО₂ чиқиндилари, ИТТКИ ва авиаташувларга харажатлар каби кўрсаткичлар биринчи фарқ усулидан фойдаланганда стационарликка эришади.

Кўрсаткичлар ўртасидаги корреляция омилини ҳисобга олган ҳолда, энг кичик квадратлар усули ёрдамида иккита эконометрик тенглама тузилган.

Биринчи эконометрик тенгламани моделлаштириш учун қуйидаги тенгламадан фойдаланилди:

$$\begin{aligned}
 LG_FDI = & 2,68 * LG_EXPORT - 3,46 * D(LG_TRADE) - \\
 & 0,0008 & 0,0216 \\
 & - 7,57 * D(LG_CO_2(-4)) + 9,66 \\
 & 0,0054 & 0,0004
 \end{aligned}$$

$$R^2 = 60\%, \text{ Prob}(F\text{-statistic}) = 0,0007.$$

1992-2018 йиллар маълумотлари олинган.

Олинган тенглама таҳлили шунини кўрсатдики, углерод чиқиндиларининг пасайиши тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг

¹⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

ўсишини таъминлайди. Демак CO₂ чиқиндиларининг 1 фоиз қисқариши, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 7,6 фоиз ўсишига олиб келади. Бироқ, бу таъсир 4 йил вақт кечикишга эга эканлигини ҳисобга олиш керак. Шунингдек, товар ва хизматлар экспорти ҳажмининг ўсиши мамлакатга тўғридан-тўғри инвестициялар кириб келишининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Экспортнинг 1 фоизга ўсиши жорий йилда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг кириб келишини 2,7 фоизга оширди. Шу билан бирга, товар айирбошлашнинг ўсиши Ўзбекистонга тўғридан-тўғри инвестициялар оқимининг пасайишига олиб келади: савдо ҳажмининг 1 фоиз ўсиши хорижий инвестицияларни 3,5 фоизга камайтиради.

Иккинчи эконометрик тенгламани моделлаштириш учун куйидаги тенгламадан фойдаланилди:

$$LG_FDI = 6,45 * D(LG_RD(-2)) - 1,46 * D(LG_AIRTRAN(-5)) + 20,37$$

$$0,0533 \qquad \qquad \qquad 0,0066 \qquad \qquad 0,0000$$

$$R^2 = 56\%, \text{ Prob}(F\text{-statistic}) = 0,0116.$$

2000 йилгача Ўзбекистонда ИТТКИ ҳаражатлари бўйича маълумотлар йўқлиги туфайли 2000-2018 йиллар маълумотлари олинди.

Тенглама таҳлили шуни кўрсатдики, ИТТКИ ҳаражатларнинг 1 фоизга ошиши, тўғридан-тўғри инвестициялар оқимининг 6,5 фоизга кўпайишига олиб келади. Бундай ҳолда, самара 2 йилдан кейин пайдо бўлади. Авиаташувлар ҳажмининг ўсиши, ўз навбатида, мамлакатга тўғридан-тўғри инвестициялар оқимининг пасайишига олиб келади. Шундай қилиб, авиаташувларнинг 1 фоизга ўсиши хорижий инвестициялар оқимининг 1,5 фоизга пасайишига олиб келади. Бундан ташқари ушбу самара 5 йил вақт кечикишига эга.

Шундай қилиб, узоқ муддатли истикболда Ўзбекистонда ЭИЗларни ривожлантириш учун ҳукумат асосий эътиборни ИТТКИ ҳаражатларининг ўсишига, тайёр маҳсулотлар экспортини кўпайтиришга ва мамлакатдаги экологик вазиятни яхшилаш каби омилларга қаратиши лозим.

ЭИЗ ташкил этишда одатда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга кўмаклашиш назарда тутилади. Бундай ривожланиш кўплаб омиллар билан бир қаторда, ЭИЗнинг фаолияти қанчалик самарали бўлишига ҳам боғлиқ. Шу билан бирга, ЭИЗ самарадорлигини қандай қилиб баҳолаш мумкинлиги ва бунда қайси баҳолаш мезонлари асосий ҳисобланиши каби саволлар туғилиши аниқ. ЭИЗ фаолияти самарадорлигини миқдорий ўлчаш орқали хорижий олимлар ва тадқиқотчилар Капустина¹⁸, М.Д.Захаров¹⁹ ва бошқалар ЭИЗ фаолиятининг самарадорлигини баҳолашга маълум даражада ҳисса қўшганлар. Шу билан

¹⁸Капустина Е.С. Оценка эффективности функционирования особых экономических зон в России // Российское предпринимательство, 2011. № 6 (1). – С.168-172.

¹⁹Захаров М.Д. Модель оценки эффективности функционирования особых экономических зон // Бизнес – информатика, 2009, № 3 (09). – С.41-47.

бирга, ушбу йўналишдаги маҳаллий олимлар жуда тор доирадаги масалаларга тўхталиб ўтганлар, хусусан, ЭИЗ бошқаруви ва фаолият кўрсатиши самарадорлиги билан боғлиқ масалалар ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

Норматив ҳужжатлар ва маҳаллий адабиётларда Ўзбекистон Республикасида ЭИЗ натижадорлигини баҳоловчи аниқ мезонлар мавжуд эмаслигини инobatга олиб, Е.С.Капустина услубияти асосида маҳаллий ЭИЗ фаолияти самарадорлигини миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолаш кўрсаткичлари тузилди (2-расм).



2-расм. ЭИЗ фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари²⁰

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар ва баҳолаш услубияти (моделини) ҳисобга олган ҳолда, сифат кўрсаткичлари асосида “Навоий” ЭИЗ, “Ангрен” ЭИЗ ва “Жиззах” ЭИЗлар мисолида уларнинг жозибадорлиги ва самарадорлигини ҳисоб-китобларни амалга ошириб кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз (фоиз нисбатида). Якуний натижалар қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, иқтисодий жиҳатдан қоплаш ва ишлаб чиқарилган мақсулотлар экспорт динамикаси бўйича барча ЭИЗлар ижобий натижа берган. ЭИЗ иштирокчиларининг инвестициялари инфратузилма яратиш бўйича харажатларни қоплаши деярли 300 фоизни, товарлар экспортининг ўсиши 1,5 барабарни ташкил этган.

²⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

Шу билан бирга, ЭИЗларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигадаги улуши 0,73 фоизни, экспортнинг умумий ҳажмида эса 0,54 фоизни ва хорижий инвестицияларда 1,92 фоизни ташкил этмоқда холос²¹. Бу ўз навбатида, маҳаллий ЭИЗларнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган муаммолар ва омиллар мавжудлигидан далолат беради.

4-жадвал

Ўзбекистонда ЭИЗ фаолияти самарадорлиги ва жозибadorлигини баҳолаш²²

№	Кўрсаткичлар номи	ЭИЗ			Жами	Чегара қиймати
		«Навой»	«Ангрен»	«Жиззах»		
1	ЭИЗ қопланиши (инвестициялар ва инфратузилмани яратиш учун харажатлар нисбати, % да)	230 %	329 %	346 %	298%	150-200 %
2	ЭИЗларнинг мамлакат ЯИМдаги улуши ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш ҳажмининг мамлакат ЯИМга нисбати, % да)	0,07 %	0,47 %	0,19 %	0,73%	8-10 %
3	ЭИЗнинг мамлакат умумий экспортидаги улуши (ЭИЗда ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулот ҳажмининг мамлакатдаги ишлаб чиқарилган маҳсулот экспортига нисбати, % да)	0,12 %	0,11 %	0,31 %	0,54%	10-15 %
4	ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти динамикаси	2,5 р.	1,9 р.	1,2 р.	1,5 р.	20-30%
5.	ЭИЗларнинг хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмидаги улуши (ЭИЗга жалб қилинган хорижий инвестиция (ХИ) қийматининг мамлакат иқтисодиётидаги ХИ умумий қийматига нисбати, % да)	0,73 %	0,65 %	0,54 %	1,92%	20-30%

Умуман олганда, ЭИЗ фаолиятини баҳолаш уларни янада ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда кўплаб ривожланаётган давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси олдида турган асосий вазифа - бу маҳаллий ЭИЗларнинг самарали ишлашини таъминлашдир. Шу нуқтаи назардан, ЭИЗнинг ривожланиш даражаси ва фаолият кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш услубияти ишончли механизм

²¹ “Навой” ЭИЗ, “Ангрен” ЭИЗ, “Жиззах” ЭИЗ дирекциялари маълумотлари асосида тузилган.

²² Ҳисоб-қитоблар мазкур ЭИЗлар ташкил этилгандан 2019 йилгача “Навой” ЭИЗ, “Ангрен” ЭИЗ, “Жиззах” ЭИЗ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида амалга оширилган. Хорижий ЭИЗларнинг кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, чегара қиймати белгиланган.

бўлиши мумкин. Ундан фойдаланиш ЭИЗларни ривожлантириш учун давлат томонидан ажратиладиган бюджет маблағларини оптимал равишда тақсимлашга ва пировардида ижобий натижаларга эришишга имкон беради.

ЭИЗ самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш учун биз ЭИЗнинг режа кўрсаткичлари бажарилишини кўзда тутадиган беш балли тизимдан фойдаландик. Бу ерда олинган ўртача тортилган қийматлар асосида ривожланиш даражаси ҳисобот даври учун ЭИЗ фаолиятининг самарадорлиги куйидаги мезонлардан фойдаланган ҳолда баҳоланади:

5 дан 4 баллгача – ЭИЗнинг самарали фаолият кўрсатиши;

4 дан 3 баллгача – ЭИЗнинг анча самарали фаолият кўрсатиши;

3 дан 2 баллгача – алоҳида йўналишларни такомиллаштириш зарурати билан ЭИЗнинг шартли равишда самарали фаолият кўрсатиши;

2 дан 1 баллгача – ЭИЗ фаолият кўрсатишининг самарадорлиги паст даражада;

1 баллдан паст – ЭИЗнинг самарасиз фаолият кўрсатиши.

Айниқса, ЭИЗнинг босқичма-босқич ривожланиши асосида халқаро тажрибани ўрганиш Ўзбекистонда ЭИЗларни ташкил этиш ва ривожлантириш имкониятлари ва истиқболларига ҳолис баҳо бериш имконини беради. Кўпгина ривожланган мамлакатларда ЭИЗлар халқаро меҳнат тақсимоти жараёнига интеграциялашган.

Иқтисодий зоналар ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда муҳим роль ўйнашини, шунингдек, Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш босқичини инobatга олган ҳолда, Осиёдаги айрим янги sanoatлашган мамлакатларнинг ЭИЗларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш жараёнини тартибга солиш механизмлари ва устувор йўналишларни аниқлаш амалиёти биз учун қизиқарли ҳисобланади.

Масалан, Хитой ва Жанубий Корея ЭИЗларда бизнес юритиш учун қулай шароит яратиш, шу жумладан, зарур инфратузилмани шакллантиришга катта сармоялар киритиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириб, ЭИЗ маъмуриятларига катта ваколатларни тақдим этиб, уларга “бир ойна” тизими асосида давлат хизматлари барча турларини тақдим этиш ваколатини берганлар. Шу билан бирга, ЭИЗларни ривожлантириш сиёсатини амалга оширишда имтиёзлар ва преференциялардан, шунингдек, бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари кузатилган, бу эса ЭИЗлар фаолияти самарасизлиги ва айрим ҳолатларда уларнинг ёпилишига олиб келган.


ЭИЗлар муаммолари ва натижадорлигини аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида Хитойда тизимли равишда инвесторлар ўртасида сўровномалар ўтказилган, бундай ёндашув Ўзбекистон Республикаси учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Диссертациянинг “**Ўзбекистон Республикасида ўрта муддатли истиқболда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ва механизмлари**” деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналарнинг

ривожланишида аниқланган тенденциялар, муаммолар ва алоҳида ўсиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ўрта муддатли ривожланишнинг концептуал йўналишлари ва инновацион механизмлари асосланган.

Хорижий инвестицияларини жалб қилиш жараёнини фаоллаштириш, ривожланишнинг инновацион омиллари ҳамда мавжуд минерал хом ашё салоҳиятидан самарали фойдаланиш шароитида ЭИЗларнинг ихтисослашуви, стратегик устуворликлари ва ривожланиш вазифалари белгиланган. Ўрта муддатли истикболда Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг муаллифлик концепцияси тақлиф қилинган.

Бугунги кунда республикада 21 та ЭИЗ мавжуд бўлиб, улардан 11 таси саноат зонаси, 7 таси фармацевтика зонаси, 2 таси агросаноат зонаси ва 1 та туристик зонадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 15 майда қабул қилинган фармони билан Навоий вилояти инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона этиб белгиланди, шу йилнинг сентябрь ойида яна бир “Нукус” ЭИЗ ташкил этилди (3-расм).




**3-расм. 2008-2019 йилларда
Ўзбекистон Республикасида ЭИЗ ташкил этилиши²³**

2010-2019 йилларда умумий қиймати 1141,1 миллион долларлик жами 241 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши доирасида 19672 минг иш ўрни яратилди. Энг кўп лойиҳалар 2018 йилда амалга оширилди, яъни 392,3 млн. АҚШ долларига тенг 83 лойиҳа ва 2019 йилда 491,8 млн. АҚШ долларига тенг 99 лойиҳа, 2011 йилда энг кичик лойиҳа, яъни 17,8 млн. АҚШ долларига тенг 2 лойиҳа (4-расм).

Муаллифнинг фикрича, бундай ҳолатнинг асосий сабаби иқтисодиётдаги оғир вазият, Ўзбекистоннинг асосий савдо шериклари мамлакатларидаги инқироздан кейинги давр, жаҳон ва минтақавий инвестиция капитали бозоридаги рақобатнинг кескин кучайиши, шунингдек, мамлакат иқтисодиётининг 2017 йилгача тизимли муаммолари, капитал эгаларининг инвестиция фаоллиги сезиларли даражада пасайишига олиб келди.

²³ Муаллиф томонидан тузилган.


Бироқ, 2017 йилдан бошлаб валюта курсини унификациялаш, ишлаб чиқариш тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизацияни амалга ошириш, инвестиция ресурслари базасини кенгайтириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва чет эл инвестицияларини, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш бўйича қўрилган чоралар ўсиш ва инвестиция фаолиятининг ривожланишига туртки бўлди.



4-расм. 2010-2019 йилларда ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш динамикаси²⁴

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, мамалакатимизда ЭИЗ ривожлантириш сўнгги йилларда мисли қўрилмаган даражада тус олмоқда. Биргина 2017-2019 йилларда 15 та ЭИЗ ташкил этилди. Сўнгги икки йил ичида саноат кўрсаткичларида ҳам сезиларли даражада ўсиш кузатилди. ЭИЗ ҳудудида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг экспорти ўсиши таъминланди (5-расм).

